



## ИКТАЪЛАР ЭГАЛАРИ ВА РАИЯТ АХВОЛИ КАНДАЙЛИГИНИ БИЛИШ ХАКИДА

Иктаъ (мулки)га сохиб бўлган мукаттеълар шуни билишлари лозимки, улар раиятдан хак молини факатгина яхшилик билан олишга хаклидирлар ва одамлар ўз тану моллари, бола-чакалари, асбоб-ускуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт. Агарда одамлар саройга келиб, ўз холларини маълум килмокчи бўлсалар, шунда улар каршилиқ килмасинлар ва кайси бир мукаттеъ шундай килса, кўлини кискартириб, иктаъсини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошкаларга ибрат этиб кўрсатиш керак. Уларга шуни билдириб кўйиш лозимки, мулк хам, раият хам султонниқидир. Мукаттеълар ва волийлар уларнинг бошларида шахнадек туриб, подшохни раият билан бирга хавфсизликда саклайдилар.

### Хикоят

Накл килишларича, Кубод фармондорлик килиб, дунёдан ўтгач, ўгли Нўширавони Одил унинг тахтига ўтиради. У ўн саккизга кириб подшошлик кила бошлайди ва ёшлигидан таъбида адолат манзил топганлигидан ёмонга ёмонлик, яхшиларга яхшилик киларди. У хамиша айтардики: «Отам заиф табиатли ва салим эди. Ёлгонга тез алданарди. Вилоятлар хароб бўлиб, хазина бўшаб, бойликлар йўқоларди ва ёмонлигу зулм унинг бўйнига тушарди. Бир марта Маздакнинг хийлаю найрангига тез ишонди. Ундан фалон волюю омил фалон вилоятни талаб килганида, у ўша жойни берди ва у ерда одамлар нохак халок бўлдилар, раият эса дарвешликка юз тутди. Сийму зарни яхши кўрганидан бераётган динорларига алданиб, улардан хушнуд бўлди ва шу пораларни рад этмай: «Сен шу вилоятнинг амири ва хокимисан ва мен сенинг лашкарингга зарур бўлган нарсаларни бердим. Биламанки, сен буларни одамлардан тортиб олиб, олдимга олиб келгансан, отангдан мерос колгани йўқ-ку! Амалдорда вилоят моли канча бўларди?! Сен бир кисмини барот билан харж килгансан ва бир кисмини хазинага топширгансан ва мен кўриб турган бу, колган бойликни каердан олдинг? Хаммасини нохак халқдан тортиб олиб, расм-русумини жойига кўймагансизлар. Энди тўгри йўлни касб килинглар», - деб

уктирмади.

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Мукаттеълар ва амалдорлар шу ишларини давом эттиравердилар. Сўнг Нўширавон тахтга ўтиради ва ҳамма унинг олдида хозир бўлди. У Худога шукур килиб, шундай дейди:

Билиб кўйинглар, менга бу подшоҳликни Аллох таоло берди -ва яна отамдан мерос ҳам колди ва яна бир бор амакиларим хуруж килганда жанг килиб шохлигимини сакладим, бир марта мулкни килич ила қайта қўлга киритдим. Худойи таоло бу дунё-ни менга берди ва мен уни сизларга ҳадя этиб, ҳар бир кишига вилоят инъом этдим ва шу давлатдан кимнинг хаки бўлса, уни бенасиб колдирмадим. Отам шохлиги даврида вилоятларга эга бўлган улугларнинг ҳам мартабаларини шу даражада саклаб, уларнинг мавкеларию бир бурда нонларини кам килганим йўқ. Мен хурматингизни жойига қўйсаму сизлар менинг сўзларимга кулок солмайсизлар. Аллох таолодан кўркмайсизлар, сиз халқдан уялмасангиз ҳам мен Яздон (Тангри) газабидан кўркман. Сизларнинг бедодликларингизу шумлигингиз менинг обрўйимни туширишини истамайман. Олам душманлардан бўшади ва сизларга Аллох насиб килган неъматлардан маошу осойишталик бердик. Савоб ила иш тутинглар, бедодлигу хиёнат, кўрнамаклик мулкка завол келтириб, неъматларни йўқ қилади. Тангри халқига яхшилик килинг, раиятга каттик тегманг, заифаларга азоб берманг, уламоларни хурмат килиб, яхши кишилар билан суҳбатлашиб, ёмонлардан четлашинг. Аллохни ўзимга гувоҳ килиб онт ичаманки, агарда бирор киши шу тарикатга хилоф иш тутса, ҳеч раҳм килмайман. Ҳамма унинг гапини қабул килиб, Шу фармонга амал қиламиз,- дейишибди. -Бир неча кун ўтиб ҳамма ўз вазифасига қайтгач, яна зулму ситамга қўл чўзишади. Нўширавонни гўдак билиб писанд ҳам қилишмайди. Амалдорларнинг ҳар бири, хохласам унга итоат қиламан, хохламасам йўқ, деб ўйларди. Нўширавон эса улар билан муросаю мадора килиб кун кўрарди. Шу ахволда яна беш йил ўтади.

Нўширавондан кучлирок ва бойрок бир лашкарбоши бор эди. Шох уни Озарбайжондаги вилоятга ҳоким килиб тайинлаганди. Мамлакатда ундан ҳам саноксиз, жихозланган кўшинга эга амир йўқ эди. Унинг кўнглида шу шаҳарда бир бог ва дам оладиган ...жойга эга бўлиш орзуси пайдо бўлади Шу шаҳарда бир кампир яшар эди, унинг бир парча ери бўлиб, ҳар йили волий хирожини тўларди, ердан бир дехкон ҳам насибасини олиб турарди. Кампирнинг ризки шундай эканки, ҳар куни тўртта нон истеъмом қиларкан: битта нонни гўшт ёки пишлок учун, биттасини чирок мойи эвазига бераркан, колганини эса эрталаб ва кечкурун ўзи истеъмом қиларкан. Одамлар раҳм килиб, унга кийим-кечак беришаркан ва у харгиз уйдан чикмай, машаккат билан кун кўраркан. Уша лашкарбошига кампирнинг ери зарур бўлиб, уни бог ва сарой қуришга олишни ният қилади. Кампир олдида одам юбортириб: «Шу бир парча ерни менга сотгин, менга керак бўлиб колди», деб айттиради. Кампир Сотмайман, бу ёруг оламдаги бор-йугим шу ерим, менинг -ризким шу ердан, киши ўз озукасини сотмайди-ку! - деб жавоб қилади.

Еринг эвазига ундан каттарогини берман.

-Менинг ерим ҳалол, ота-онамдан мерос колган ва суви ҳам -якин. Кўшнилариам ҳам ўзимга мос ва мени хурмат қиладилар. Эвазига берадиган еринг шундай хосиятларга эга эмас. Бу ердан кўлингизни тортсанг, ўзингизга яхши бўларди Лашкарбоши кампирнинг сўзини эшитиб ҳам ўтирмай, ерни зулм ила тортиб олиб, атрофини девор билан ўратади. Кампирнинг ахволи ёмонлашиб, борида барака қилмокчи бўлади. Ва хакини олишга ёки эвазига бошка ерга эга бўлишга розилик бериб, ўзини лашкарбоши оёғига ташлаб, шундай дейди:

Ернинг бахосини ёки унинг эвазига ер бер Лашкарбоши унга киё ҳам бокмайди, бирор нарса ҳам бермайди. Кампир умидсизланиб ортига кайтади, уни саройга ҳам кўймайдилар. Хар вақт шу лашкарбоши томошага ёки овга чикса, ёки бирор жойга бориб колса, кампир унинг йўлини тўсиб хакини талаб киларкан. Шундай килиб, ҳеч қандай жавоб бўлмайди ва у лашкарбошининг хизматкорларига, махрамларига бориб гапирса, улар «Лашкарбошига айтамыз» деб айтмас эдилар. Орада икки йил ўтади. Холдан тойиб, инсоф килинишидан умидини узгач кампир ўзига ўзи дейди: «Темирни кизигида босиш керак эди, мен эса совук темирни босаяпман. Лекин Аллоҳ таоло хар қандай ишнинг иложини ҳам берган. Ахир шунча буюклиги билан бу Нўширавоннинг хизматкори, холос-ку. Тадбирим шуки, Нўширавоннинг олдига ўзим бориб, «холомни унга маълум киламан. У менга инсоф килар Шундан кейин кўп азоб чекиб, Озарбайжондан Мадойинга келади. Нўширавоннинг қасрини кўриб «Мени бу саройга кўймасликлари аниқ. Бунинг хизматкори бўла туриб Озарбайжон хокими мени саройига кўймади-ку, бу даргоҳга, шох саройига киришимга йўл бўлсин. Яхшиси, уни саҳрода кўриб, арзимни айтай», деб ўйлайди.

Ундан ерини тортиб олган лашкарбоши тасодифан саройга келиб қолади. Шу куни Нўширавон ов қилишга қарор қилади. Кампир Нўширавоннинг фалон жойда ов қилишидан хабар топади. Кўрқиб-писиб азобу укубатлар билан ўша ов қилинадиган жойга бориб, бир қовжираган бута орқасида кечани ўтказади. Эртасига Нўширавон етиб келади ва хамроҳлари ов қилиш учун тарқалишади. Бир кўрикчиси билан қолган Нўширавонни ёлғиз кўрган кампир ўрнидан туриб: Эй подшоҳ, бу заифа дардини эшит! - дейди. Нўширавон-унинг олдига отини хайдаб бориб, арзига кулок солади. Кўзи ёшга тўлиб:

Хотиржам бўл, ахволингни тушундим, муродингни ҳосил қиламан ва сени шаҳрингга қайтариб юбораман,- дейди ва фаррошига тайинлайди:

Бунинг туяга миндириб, қишлоққа олиб бор ва қишлоқ -арбобига топшир, овдан қайтганимизда шаҳарга олиб бориб, ўз уйингда сакла. Хар куни икки ман нон, бир ман гўшт, хазинадан эса ойига беш тилло динор бериб тур. Вақти келса, сен орқали уни чақиртириб оламан.

Фаррош фармонни айтилганидек бажаради. Нўширавоновдан қайтиб келгач, бу гапларни бошқаларга билдирмай, нима қилиш хақида ўйга толади. Сўнг куннинг ярмида, ҳамма ётиб дам олаётган чоғи, сарой бўш пайтда бир ходимига Фалон хужрага бориб, фалон қулни чақириб кел, - дейди -ул келганида унга дейди:

Эй қул, биласан, менда яхши ва лойиқ қуллар кўпдир. -Хаммадан сени афзал кўрдим ва сенга ишондим. Сен хазинадан маблаг олиб, Озарбайжонга жўнашинг керак. Фалон шаҳар ва фалон маҳаллага бориб, йигирма кун яшаб, ўзингни одамларга: «Мен қочиб кетган қулни қидираяпман»,- дегин. Кейин хар хил одамлар билан ўтириб кўр ва улар билан яқинлаш. Мастлик ва хушёрликдаги суҳбат давомида улардан гўё билмагандек: «Шу маҳаллада бир кампир бор эди, номи фалон, у қаерда экан, ҳеч кўринмайди», - деб сўра. Нима дейишса эшитиб, ёзиб ол ва бу хабарни келтир. Сени шунинг учун юбораяпман. Аммо саройда сени чақириб, хаммининг олдида баланд овоз билан: Бориб хазинадан нафакангни ол ва Озарбайжонга бориб -қайси шаҳару ноҳияга борсанг, бу йил галла ва мева ҳосили қандай бўлганини сўра, қандай табиий офат текканини аниқлаб ол ҳамда яйлов ва ов қилиш жойларининг ҳолидан хабар олиб кел, - дейман. Хаммасини билиб олиб, тез қайтиб келгин, аммо нима учун .юборганимни ҳеч қим билмасин Буйругингни бажараман,- дейди қул. -Эртаси куни у йўлга чиқади. Уша

шахарга бориб, йигирма кун яшаб, учраган одамдан ўша кампир ахволини суриштиради. Одамлар: «Шу мастура кампирнинг эрию болалари худо рахматли бўлганлар. Унга бир парча ер мерос колган эди. Ерини бир дехконга берарди. Унинг хосилидан дехконнинг хиссасини ва подшоҳнинг хирожини тўлаб турарди. Кейинги йил хосилигача хар куни тўртта нон унинг ризки бўлиб, биттасини гўшг ва пишлок эвазига, битта нонни чирок мойи ўрнига бериб, яна иккитасини эртаю кеч ўзи истеъмом киларди. Вилоят хокими бир богу сарой куришни касд килиб, кампир ерини зўравонлик билан тортиб олди. Бог килиб, пулини хам тўламади, ўрнига бошка ер хам бермади. Кампир йиллаб унинг саройига катнади, лекин хоким унга парво килмади. Анчадан буён уни ҳеч ким кўрмаяпти», - дейишади.

Ул вазиятни билиб, Нўширавон олдига қайтиб, ахволни маълум килади. Нўширавонга кампирнинг гапи тўгрилиги маълум бўлади. Эртасига Нўширавон қабул маросимини уюштиради, хамма улуг кишилар йигилади. Бир вақт Нўширавон улардан сўрайди:

- Озарбайжон хокимида канча бойлик бор?
- Икки марта минг-минг ва унинг пулга эҳтиёжи хам йўк,
- Мато ва зеб-зийнатлардан канча?
- Минг уч минглик зару кумуши бор.
- Жавохирдан канча?
- Беш юз минг-минг динор.
- Мулку галлакор ери канча.

Хуросону Ирок, Озарбайжонда бирор шахру ноҳия -йўқдирки, унинг мулку кишлоги, тегирмону карвонсаройи, хаммому галлазор ери бўлмаса. Моллари канча?

-Ўттиз минг.

- Зархарид куллари канча?

Бир мингу етти юз рум ва хабаший куллари хамда тўрт юз -канизаги бор.

Бир кишида шунча неъмату бойлик бўлса, хар куни йигарма -хил таом, кўю холва, ширинлигу ёкимли нарсалар еса ва яна Худога кўнгил кўйган бир заифанинг иккита нони бўлса-ю, биттасини эрталаб, биттасини кечкурун истеъмом килса. У бадавлат киши шу иккита курук нонни заифадан зўрлик билан тортиб олиб, уни бир лукма нонидан хам маҳрум килса. Унга нима керак экан ўзи?

Бундай киши хар қандай жазога лойик, - дея жавоб килади -хамма. Шунда Нўширавон амр килади: Мен унинг терисини шилиб олиб, гўштини итларга -беришларини ва терисини сомонга тўлдириб сарой эшигига осиб кўйишларини истайман. Жарчилар етти кун «Кимда-ким бундан буён жабр-ситам килса, хатто бир халта сомон ё бирорта товук ёки бир бог кўкатни зулм билан кимдандир тортиб олса, жазоси мана шунака бўлади», деб хабар берсинлар. Сўнг фаррошга кампирни олиб келишни буюради. Нўширавон сарой аъёнларига қарата: «Бу ситам торттан ва у эса ситам килувчи эдики, жазосини олди» - дейди. Ва кулдан Мен нима учун сени Озарбайжонга юборган эдим? - деб сўрайди.

Кампир холини билиб, хакикатан хам у зулм кўрган- -кўрмаганлигини билиб, подшоҳни хабардор килишим учун юборган эдингиз,- жавоб беради кул. Шундан кейин подшоҳ аъёнларига дейди:

Мен бу сиёсатни хўжақўрсинга килганим йўк. Бундан кейин -ситам килувчилар билан факат килич воситасида гаплашаман ва кўю кўзиларни бўрилардан мухофоза килиб, узун кўлларни кесиб, Ер юзини ёмонлик килувчилардан тозалайман. Жахонни адолат ва осойишталик билан обод киламан, чунки Худойи таоло мени шу иш учун юборган. Агарда

одамлар хохлаган ишларини килаверадиган бўлсалар, Аллох таоло подшоҳларни уларнинг бошларига қўймасди. Энди сизлар ҳам ана шундай золим изидан бормаслик учун ҳаракат қилинглар. Нўширавоннинг хайбати ва сиёсатини кўриб бу мажлисда ҳозир бўлган кишилар кўнглидаги захарлар эриб кетади. Нўширавон кампирга:

Сенга ситам қилган кишига жазо бердим ва у ерингда қурган -сарою богни ўзингга ҳадя этдим, улогу нафақа ҳам бердим. Шахрингга қайтиб, мени дуо қиларсан деган умиддаман,- деб яна ўзи сўраб ўзи жавоб қилади.

Нега энди саройимиз эшиги ситам қилувчилар учун очигу -ситам кўрганларга ёпик?

Раият ва қўшин ҳар иккиси бизнинг қўл остимиздагилар ва хизматчиларимиздир. Раият беради ва лашкар тортиб олади. Раҳмсизлик қилиб, бедодлик қиладиганларга ҳам, хирож берадиган раиятимизга ҳам эшигимиз янада кенгрок очик бўлиши шарт. Чунки зулм кўрган бирор мутазаллим саройимизга келса, уни менинг олдимга қилиб, холини айтишга қўймайдилар. Агар шу кампир саройга йўл топганида, унинг ов қилиш жойига боришига ҳам ҳожат йўқ эди. Шундан кейин Нўширавон буйруқ чиқаради: бир занжирга кўнгирукларни шундай пастликда осилтириб қўйинглари, етти ёшли боланинг ҳам қўли унга етсин. Бирор-бир мутазаллим саройга келса, эшик қорувулига иши тушмасину шу кўнгирук ипини тортсин ва Нўширавон эшитиб, унинг додини тинглаб, чора қилсин.

Шундай ҳам қиладилар. Сарой аъёнлари ва қўшин бошлиқлари уйларига қайтиб кетадилар. Дархол ўзларининг вакилу амалдорлари, қўл остидагиларию қўшинларини :чакиртириб сўрайдилар

Айтинглар-чи, кейинги ўн йил ичида заруратсиз қимлардан -молларини тортиб олгансизлар? Агар бирор кишини бекорга хафа қилган бўлсангизлар, бундан кейин ҳаммамиз бир бўлиб уларни хурсанд қилишимиз керак, токи ҳеч қимса саройга бориб биздан шикоят қилмасин.

Барча хафа бўлганларни хушнуд этиш йўлларини бамаслаҳат излаб, баъзиларини узр билан, баъзиларини молу пул билан рози қилиб, фалон киши фалон кишидан хурсанд, унга ҳеч даъвоси йўқ деган хат ҳам оладилар. Нўширавоннинг мана шундай бир сиёсати туфайли мамлакат обод, халқ ситам қилувчилардан халос бўлади.

Орада етти йил ўтади. Бирор мутазаллим унинг саройига шикоят билан келмайди.

## **Хикоят**

Нақл қиладиларки, етти йилдан кейин пешин вақтида, саройда ҳеч қим бўлмайд, навбатчилар ухлаб қолган бир пайтда, кўнгируклар баланд овоз билан қалинади-ю, Нўширавон буни эшитиб, тезда икки ходимини юборади. Ходимлар сарой дарвозаси ёнига келиб бир озгин қари эшакни кўрадилар. У орқасини кўнгирук занжирга ишқаларди ва шу туфайли кўнгируклар садо берарди. Ҳар иккала ходим ҳам: Ҳеч қим шикоятга қелган эмас, фақат бир қари эшак -яраларини кўнгируклар занжирга ишқалаяпти, - дейишади. Нўширавон:

Сизлар тушунмагансизлар, бу сизлар ўйлагандай эмас. -Яхшироқ қаранглари, бу эшак ҳам инсоф истаб қелган. Эшакни бозорга олиб бориб, ҳаммадан унинг ахволини сўранглари ва ҳақиқатни менга маълум қилинглари.

Шох олдидан чикишгач, ходимлар эшакни бозорга олиб бориб, одамлардан:

Шу эшакни танийдиган киши борми? - деб сўрайдилар.

Таниймиз,- дейишади одамлар.

Каердан биласизлар? - деган саволга улар жавоб берадилар.

Бу эшак фалон козур(кир ювувчи)ники ва йигирма йилдан -буён унга хизмат киларди.

Хар куни одамларнинг кийимларини унга юklar, кир ювиш жойига олиб бориб, кечкурун кайтариб олиб келарди. Ёш, кучи борлигида унга қарарди, ўт-ем берарди. Энди қариб, кучи қолмаганида уйдан хайдади. Бир ярим йилдирки, бу эшак маҳаллаларда, қўча ва бозорларда юради. Одамлар савоб учун унга ўт ва сув берадилар. Эшак кейинги икки кундан бери сув билан ем топмай, тентираб юрибди. Ходимлар ҳаммадан шу жавобни эшитадилару, тез қайтиб келиб, буни подшоҳга маълум қиладилар Қўрдингизларми, мен сизларга эшак додини айтишга келган, уни ушлаб туринглар, демаганмидим, - дейди.

Нўширавон: У эртаси куни эшак эгасини маҳалласидаги тўрт оксоқол билан бирга олиб келишни буюради. Ходимлар айтилганларни бажариб, эшак ва унинг эгасини тўрт мўйсафид билан саройга бошлаб келишади. Нўширавон козурдан сўрайди: Бу эшак ёш бўлганида, ишга яраганида, сен учун кераклигида -унга ем берардинг. Энди қариб қолганида боқиш ўрнига уни уйингдан хайдаб юборибсан. Хўш, эшакнинг йигирма йиллик хизмат хақи нима бўлди:

Подшоҳ уни қирқ дарра урдиришга буйруқ беради ва дейди:

Шу эшак қанча яшаса, мана шу тўрт оксоқол гувоҳлигида -унга хар куни сомону бугдой берасан ва агарда қамчиликка йўл қўйсангу, бу менга маълум бўлса, билиб қўй, жонингдан умидингни узавер.

Одил подшоҳлар ҳамиша заифлар ҳақида ўйлайдилар ва улар мамлакат зарурати учун хар икки-уч йилда муқаттеъларнинг ишларини тафтиш қилишлари шартдир, токи муқаттеълар раият ҳақида қўз олайтирмасинлар, вилоят обод ва маъмур бўлсин.

давоми бор...

[1](#), [2](#)